O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 11 май, № 92 (4245) Жума

## ЭНЕРГЕТИКАГА ОИД ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси саноат ва энергетика вазири Виктор Христенкони қабул қилди.***

— Сизнинг Ўзбекистонда ўтказадиган музокараларингиз самарали бўлишига ишончим комил, — деди Президент Ислом Каримов.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликни олий даражага кўтаришда мамлакатларимиз ўртасида 2005 йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида гапирганда, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз. 2006 йили бу борадаги кўрсаткич 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Унинг салмоқли қисмини машинасозлик, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар сони тўрт юз элликдан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармояси билан тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари — савдо, энергетика, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноатнинг кўплаб бошқа тармоқлари.

Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда "Газпром" ва "Лукойл" компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳа инфратузилмасини янада такомиллаштириш, магистраль қувурларни ривожлантириш, янги конларни ўзлаштириш ишларига имкон қадар кўп сармоя жалб этиш Ўзбекистон ва Россиянинг жаҳон энергетика бозоридаги ўрнини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

В.Христенко Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, газтранспорт магистралларини замонавийлаштиришда ўзаро ҳамкорлик мамлакатларимиз манфаатига мос келишини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россиянинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Малайзия Сайлов комиссияси раиси Тан Сри Дато Сери Ҳожи Абдул Рашид бин Абдул Раҳмон раҳбарлигидаги делегация аъзолари 10 май куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзаулуғбек Абдусаломов билан учрашди.*

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Малайзия давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги барча йўналишларда, жумладан, сайлов органларининг ўзаро алоқаларини кенгайтиришда ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Сайлов комиссиялари ўртасида маслаҳатлашувлар ва тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси вакилларининг 2006 йил сентябрь ойида Малайзияга ташрифи чоғида мамлакатларимиз сайлов комиссиялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланган.

Музокарада бу борадаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни икки мамлакат сайлов ва қонун чиқарувчи органлари вакиллари, олим ва мутахассислари иштирокида халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон ҳамда Малайзия сайлов тизимларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон сайлов тизими ва унинг халқаро андозаларга мослиги, Малайзия сайлов тизимига оид мавзуларда маърузалар тингланди. Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон ва Малайзиянинг сайлов тизими, сайлов қонунчилиги борасида ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар. Жумладан, мамлакатимизда сайловларда сиёсий партияларнинг иштироки ва сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун ўттиз фоизлик квота белгиланганлиги малайзиялик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистон барча соҳалар бўйича изчил ривожланиб бораётган мамлакатлардан, — деди Малайзия делегацияси раҳбари Тан Сри Дато Сери Ҳожи Абдул Рашид бин Абдул Раҳмон журналистлар билан суҳбатда. — Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги муттасил ошаётгани яққол кўзга ташланади. Ўзбекистонда икки палатали парламент тизими жорий қилингани ҳам халқ хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ўзгариш бўлиб, демократик жараёнларни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Шу куни Малайзия Сайлов комиссияси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлиги, жумладан, сайлов қонунчилигига оид ўзаро ахборот ва тажриба алмашиш борасидаги алоқалари фаоллашиб бораётгани таъкидланди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ва сайлов комиссиялари ҳамкорлигининг истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Малайзия Сайлов комиссияси раиси Тан Сри Дато Сери Ҳожи Абдул Рашид бин Абдул Раҳмон пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

2007 йил 8-9 май кунлари Тошкентда "Ўзбекистон Республикаси — Европа Иттифоқи"нинг адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа дахлдор масалалар бўйича Кичик қўмитасининг навбатдаги, тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон делегациясига адлия вазири Ф.Отахонов бошчилик қилди. Европа Иттифоқи делегацияси таркиби ҳозирда Европа Иттифоқига раислик қилиб турган Германиянинг, Европа Иттифоқи Комиссияси ва Кенгашининг юқори мартабали экспертларидан иборат бўлди.

Йиғилиш давомида томонлар терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, чегараларни бошқариш, божхона ва суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболига оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Илгари эришилган келишувларни ҳисобга олган ҳолда, Кичик қўмита доирасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида демократик ривожланиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш борасидаги аҳвол қамраб олинган инсон ҳуқуқлари бўйича кенг кўламли масалалар юзасидан, шунингдек, ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг истиқболига оид мунтазам равишдаги музокаралар бошланди. Музокаралар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланади.

Амалий ва ҳамфикрлик руҳида ўтган йиғилиш якуни бўйича томонлар ушбу музокаралардан қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.

### Нигоҳ

## ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

*Мамлакатимизда 9 Май энг эзгу инсоний тадбирлардан бири сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Бу сана, вақт ўтган сайин, Хотира ва қадрлаш куни бўлиб, бутун миллат, бутун халқимиз томонидан тобора теран идрок этилмоқда ва ўзига хос миллий байрамларимиздан бирига айланиб бормоқда.*

Бу йил ҳам Хотира ва қадрлаш куни айёми ўзида халқимизнинг энг ажойиб инсоний хислатларини ёрқин ва кенг кўламда намойиш этди.

Мамлакатимиз Бош майдонидаги шу улуғ санага бағишланган тадбир байрамнинг чўққиси бўлди десақ, янглишмаймиз. Бутун мамлакат телевидение орқали кўриб турди: 9 Май куни тонгда Президентимиз Хотира майдонига ташриф буюриб, оркестр садолари остида Мотамсаро Она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди ҳамда иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Айни пайтда, барчамиз телевидение орқали Юртбошимизнинг мана шу тарихий сананинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий мазмун-моҳиятига тааллуқли чуқур фикр-мушоҳадаларини жон қулоғимиз билан тингладик.

Масалан, давлатимиз раҳбарининг урушда бедарак кетган юртдошларимиз тақдири тўғрисидаги фикрлари ҳеч кимни лоқайд қолдирмади, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини эъзозлаш юзасидан мамлакатимизда жуда кўп улуғ ишлар амалга оширилди. Энди Президентимиз ўтган урушнинг домига гирифтор бўлган яна бир улкан тоифа одамлар — бедарак кетганлар тақдирига алоҳида эътибор беришимиз лозимлигини ўз сўзларида таъкидладилар. Бу вазифага олимлар, мутахассислар, тегишли ташкилотлар эътиборини қаратди. Бедарак кетганлар тақдирига эътибор ғоятда олижаноб ва улуғ савобли ғоядир. Бу йўналишда олиб

(Давоми 2-бетда).

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Раманатан ДЕЙВЕНДРАН:**

## ЎЗБЕКИСТОН — КЎПЧИЛИК ОРЗУ ҚИЛАДИГАН МАМЛАКАТ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Сингапур Менежментни ривожлантириш институти бош котиби, доктор Раманатан Дейвендран бошчилигидаги делегация пойтахтимиздаги қатор молия, олий таълим муассасаларида учрашувлар ўтказди.***

Ўзбекистон Банклари уюшмаси бош директори С.Абдуллаев билан бўлган мулоқот чоғида ушбу икки муассаса ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашди. Бунда Ўзбекистон ва Сингапур давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил январь ойида Сингапурга давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида кўплаб соҳаларда ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Банклари уюшмаси билан Сингапур Менежментни ривожлантириш институти ўртасида банк тизими ходимлари малакасини оширишга оид битим имзоланган эди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ банк-молия тизимида фаолият юритаётган ўттиз нафар ўзбекистонлик мутахассис айни кунгача Сингапурда малака оширди.

— Ўзбекистонга ташрифимиз асносида юртингизнинг нақадар гўзал ва бой, ривожланган кўплаб давлатлар аҳли орзу қиладиган мамлакат эканлигини кўрдик, — деди Р.Дейвендран. — Мамлакатингизда, айниқса, ёш авлоднинг пухта таълим-тарбия олиши учун яратилган қулай шарт-шароитлар бизни жуда ҳайратга солди. Албатта, бу Ўзбекистонда таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси ҳамда ёшларга давлат томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Сингапурлик меҳмонлар Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент Молия институти ҳамда Солиқ академиясида ҳам бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашишди.

(ЎзА).

## БОЙИТИЛГАН УН — КОНИ ФОЙДА

Мамлакатимиздаги турдош корхоналар қатори «Учқўрғон дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятида ҳам махсус дозатор ўрнатилганидан сўнг биринчи навли ун темир, фолий кислотаси, рух ва бошқа зарур дармондорилар билан бойитилган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Камқонликдан азият чекаётган кишилар учун табиий шифо воситаси ҳисобланган бу маҳсулотга талаб катта. Шуни ҳисобга олган қайта ишловчилар жорий йилнинг биринчи чорагида савдо тармоқларига 13210 тонна бойитилган ун жўнатишди.

Айни пайтда корхонада қувватлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб боряпти. Жумладан, бу борада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш тегирмон цехида 100,6, омихта ем ишлаб чиқариш цехида эса 257,9 фоизни ташкил этди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

## Маҳсулот тури кўпаяди

***«Феруз-Хоразм» акциядорлик жамияти кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда ҳар куни 500 дона ҳарбийлар кийими тикилаяпти.***

■ Шунингдек, бир неча турдаги халқ истеъмоли моллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг учун зарур бўлган хомашё эса «Бухоротекс» акциядорлик жамиятидан келтирилаяпти.

Айни кунда «Феруз-Хоразм» трикотаж ва ип-газлама маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бизинтруд-Хоразм» ва «Осиётекстиль» корхоналари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. Бундан кўзланган мақсад маҳсулот турларини яна ҳам кўпайтиришдир.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

## Янги қўшма корхона

***Самарқанд шаҳрида "Ятро инвест" қўшма корхонаси иш бошлади. У россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

■ Замонавий технологиялар асосида ишлаётган янги корхонада бир кеча-кундузда 2000 донадан ортиқ шифер тайёрланаяпти. Бундан ташқари, "Ятро инвест" фаолиятини бошлаши билан 80 нафардан ортиқ ишчи доимий ишга эга бўлди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

## Тасвирий санъат ҳафталиги

***Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида «Тасвирий санъат ҳафталиги» бўлиб ўтди.***

■ У Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда «Ҳунарманд» ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари, вилоят адабиёт-санъат музейи ва шу қишлоқда жойлашган Нафис санъат лицейи ҳамкорлигида ташкил этилди. Ҳафталик доирасида лицей ўқувчилари ижодий ишлари кўргазмаси ҳам бўлди. Кўргазмага ташриф буюрган мутахассислар ва санъат мухлислари лицей ўқувчилари асарларидан қониқиш ҳосил қилганликларини таъкидлашди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

### Мардлар қўриқлайди Ватанни!



## ГУЛЖАҲОН ОПАНИНГ ЖАСУР ЎҒЛОНИ

***Пастдарғомлик Гулжаҳон опа Усанованинг қувончи чексиз. Бугун бир гуруҳ тенгдошлари билан майдонда саф тортиб турган иккинчи ўғли Азимжон Ватани, Президенти ва халқига сидқидилдан хизмат қилиш учун ҳарбий қасамёд қабул қилди.***

— Катта ўғлим ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, — дейди Гулжаҳон опа. — Азимжон ҳам армияда хизмат қиламан, деб туриб олди. Лекин, она учун бола барибир бола экан-да. Соғиниб қолгандик. У хизмат қилаётган жойда яратилган шарт-шароитни кўриб кўнглим таскин топди. Илоҳим, барча сафдошлари билан хизматни муносиб ўташсин.

Ҳа, айни кунларда жойлардаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларда муддатли ҳарбий хизматни бошлаётган йигитларнинг қасамёд қабул қилиш маросимлари кўтаринкилик билан ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмдаги қасамёд қабул қилиш маросимида қатнашиш учун Гулжаҳон опа сингари кўплаб ота-оналар бу ерга келдилар. Нигоҳларидан ўт чақнаб, қасамёд қабул қилишга шай турган ўғлонларига қараб турган ота-оналар юзидан фахрланиш ҳиссини сезиш қийин эмасди.

Риштондаги 7-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Ҳусниддин ҳам акаси Отабек Исмоиловни табриклаш учун келибди. "Мен ҳам катта бўлсам, албатта аскар бўлиб юртимни ҳимоя қиламан", дейди у сафда турган аскарларга тақлидан кўксини ғоз тутиб.

Мазкур ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Уйғун Баратовнинг айтишича, бу ерда хизматни аъло даражада ўташ учун барча шароит яратилган. Компьютер синфлари, тренажёрлар аскарлар хизматида.

— Бугун кўпчилик дўстларим қатори ҳарбий қасамёд қабул қилдим, — дейди Шўрчи туманидан хизматга чақирилган оддий аскар Фарҳод Тўрахонов.— Бор имкониятимни ишга солиб хизматимни сидқидилдан ўташга, қасамёдимга содиқ қолишга ваъда бераман.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган сурат.

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Банклар ҳамкорлиги

■ Пойтахтимизнинг Халқаро бизнес марказида «Ипотека-банк» АТИБ ва Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки ўртасида «Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув жиҳозлари билан таъминлаш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ШҲТ давлатлари учун ажратилган имтиёзли маблағлар ҳисобидан 17 293 502,35 АҚШ долларилик ўзаро келишув имзоланди.

Ушбу лойиҳада совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш жиҳозларини шу кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олиш ва ўрнатиш кўзда тутилган. Бу сув истеъмолини қатъий назорат қилиш ва уни тежамли сарфлаш имконини беради.

## Лизингга янги тракторлар



**■ «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик компаниясининг Хоразм филиали вилоят фермерларига йил охиригача 100 дона янги трактор етказиб беришни режалаштирган. Яқинда дастлабки 24 та янги «МХМ-140» русумли тракторлар эгаларига тарқатилди. Ушбу тракторлар «ЎзКейс» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган. Улардан ерга ишлов беришда ва транспорт воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.**

## Бахши-шоирлар кўриги

***Бахши-шоирлар, жировлар ва оқинларнинг анъанавий республика кўрик-танлови бу йил Чироқчи туманида ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг вакиллари иштирок этдилар.***

■ Қорақалпоғистонлик Тенилбой Қалиев ва қашқадарёлик Абдурашид Боймуродов биринчи, сурхондарёлик Илҳом Норов ва хоразмлик Етмишбой Абдуллаев иккинчи, қашқадарёлик Очил Чоршанбиев ва сурхондарёлик Бахшиқул Тоғаев учинчи ўринларни эгалладилар. Бундан ташқари, «Энг кекса ижрочи», «Энг ёш ижрочи» ва «Умидли ижрочи» йўналишлари бўйича ҳам соврин эгалари аниқланди.

Ўзбекистон халқ бахшилари Ш. Тоғаев, А. Раҳимов, А. Поёнов, Б. Маматмуродов ва З. Исломовга «Устоз-шогирд» мактабининг ривожига катта ҳисса қўшиб келаётганлиги учун фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

## Тажриба ва билим намойиши

***Жиззахда география фани ўқитувчилари ўртасида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди.***

■ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан билимдон, ташаббускор, ижодкор ўқитувчилар икки кун мобайнида ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра Жиззах шаҳридаги 6-мактабнинг география фани ўқитувчиси Моҳигул Намозова, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 313-мактаб ўқитувчиси Шаҳноза Убайдуллаева, Навоий вилояти, Зарафшон туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси Маҳфуза Шукуровалар ғолиб, деб топилдилар.

## Қишлоқ мулкдорининг пойабзали

**Қишлоқ мулкдори Тоҳиржон Толипов Андижон туманининг Куйганёр шаҳарчасида оёқ кийим ишлаб чиқарадиган «Руббер-траст» кичик корхонасини ташкил этди. Бугун бу ерда маҳаллий ёшларнинг 250 нафари меҳнат қилаётир.**

■ — Ёзда, Тайвандаги «Тиен kанг» компанияси билан тузилган шартномага кўра, 252 минг АҚШ долларилик замонавий жиҳозлар келтирилади, — дейди тадбиркор. — Шунда кунига тўрт минг жуфт оёқ кийим тайёрлаш имконияти пайдо бўлади. Ишчилар сони эса икки баравар кўпаяди.

## Мавсум баракаси

**Жиззахлик қоракўлчилар қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлади. Вилоят «Қоракўлчилик» ширкатлар бирлашмаси таркибидаги хўжаликларда боқилаётган 94 минг 515 бош совлиқдан 95 минг 369 бош қўзи олинди.**



■ — Бу йил бирлашмамиз бўйича ўтган йилгидан 3 ярим минг бош кўп қўй ўстиришга қолдирилди, — дейди ширкатлар бирлашмаси раиси Анвар Алимов. — Фориш туманидаги "Боғдон", "Омонқелди", "Дарвоза", Зомин туманидаги "Янги чорвадор", "Молгузар" хўжаликлари чўпонлари ҳар юз бошдан 80-90 бош қўзини ўстиришга қолдирди. Қоракўлчиларимиз бу йил 28 минг дона қоракўл тери сотишни мўлжалламоқда.

***«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

---

**Қонун кучга кирди**

***Давлатнинг барқарор тараққиёти кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодий негизларининг мустаҳкамлигига боғлиқдир. Бу эса, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни талаб этади. Бунга тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам мисоллар кўп.***

# ЖАРИМА ЭМАС, САМАРА МУҲИМ

Масалан, машҳур аллома Низомулмулк ўзининг "Сиёсатнома" асарида шундай ёзади: "Амалдорларнинг ишлари, даромадлари, бойлик сақлаш, душманларни даф этишда зарур бўладиган захира ва хазина тутиши муқаддас фарздир. Беҳуда харжга ҳам, исроф ва ифротга ҳам йўл бермаслик керак, одамлар иқтисодни тежамсизлик деб билмасин... Вилоятларнинг хирожлари ёзиб борилади, шунда харажатнинг ҳисоб-китоби аниқ бўлади". Алломанинг бундан қарийб минг йил бурун ёзиб қолдирган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Демак, ҳар қандай давлат ўз келажагини таъминлаш учун маблағларнинг сарф-харажатини ҳам доимо назорат қилиб боради. Республикамизда давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш Ҳисоб палатаси зиммасига юкланган.

Маълумки, Ҳисоб палатаси тармоқлар ва ҳудудлар бўйича Давлат бюджетининг даромад қисми шакллантирилиши ҳамда ижросини моддама-модда, ҳар томонлама чуқур таҳлил этади. Прогноз кўрсаткичларига баҳо беради, иқтисодиётнинг даромад ҳосил қилувчи захираларини аниқлайди, агросаноат мажмуасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати мониторингини амалга оширади. Шунингдек, маҳаллий бюджетлар шакллантирилиши ва амалга оширилишини таҳлил этади, назорат қилади, республика даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилади. Шунингдек бюджет маблағларидан қонуний, мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, улардан фойдаланишда қонунбузарликлар ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш ҳам ушбу палата зиммасидадир.

Табиийки, шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, Ҳисоб палатаси тегишли текширув ўтказиб, унинг натижалари бўйича бирор ташкилотга кўрсатма берса, унинг бажарилиши қандай таъминланади? Шундан келиб чиқиб, Сенатнинг яқинда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун маъқулланди. Қонун Президентимиз томонидан имзоланиб, шу йилнинг 24 апрель куни расмий эълон қилинди. Унга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўзи ташкил этган текширишлар натижаларига биноан юборган кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади", деган қоида билан тўлдирилди.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, бу қоида фақат Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаган мансабдорларга жарима солишни назарда тутмайди. Ушбу қоиданинг белгиланиши, биринчи навбатда, давлат маблағларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Албатта, бу ерда гап жаримада эмас. Аслида энг кам иш ҳақининг 10 бараваридаги миқдорда жаримага тўлаш жуда кескин чора саналмайди. Бироқ, бу ўзгартиш давлат маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, жаримага тортилиш, умуман маъмурий жавобгар бўлишнинг ўзи ҳар қандай раҳбарнинг обрў-эътиборига жиддий путур етказади. Демак, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимча мансабдорларнинг нафақат Ҳисоб палатаси кўрсатмаларини тўлиқ бажаришига, балки давлат маблағларидан ношудларча фойдаланишдан тийилишига ҳам сабаб бўлади.

Қолаверса, Ҳисоб палатасининг ўзи ташкил этган текширишлар натижаларига биноан юборган кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик учун жарима белгиланиши палатанинг таъсирини кучайтиради. Бу билан Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажариш мажбурий бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишлардан кўзланган мақсад мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжатида кўрсатилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлашдан иборатдир. Шубҳасиз, бу юртимиз иқтисодиётининг янада барқарор ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Барнохон АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

---

**Ислоҳот**

***Юртимизда тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан яқин вақтгача ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар баб-баравар шуғулланиб келишарди. Бироқ, яратилган шароит бир хил бўлишига қарамай, тартиб-қоидаларга риоя этишда фарқ катта эди. Масалан, юридик шахслар автомобилларни таъмирлаши учун барча шарт-шароит, тегишли мутахассислар мавжуд бўлгани туфайли уларда ҳаракат хавфсизлиги таъминланганди. Яъни, кунлик қатнов олдидан ҳайдовчилар тиббий, автотранспорт воситалари эса техник кўрикдан ўтказиларди. Аммо якка тартибда ишловчилар бундай имкониятларга эга эмасди, албатта. Оқибатда бу ҳам ҳайдовчиларнинг, ҳам йўловчиларнинг ҳаётларини хавф остига қўяётганди.***



# ЙЎЛОВЧИ МАНФААТИ — ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯДА

Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги фаолиятнинг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги 303-сонли Қароридан сўнг ушбу масалани изга солиш имконияти яратилди.

Гап шундаки, мазкур ҳужжатга асосан, 2006 йилнинг 1 июнидан бошлаб автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шунинг учун якка тартибда фаолият кўрсатиб келаётган ташувчилар юридик шахсларга бирлашган ҳолда ишлай бошладилар. Бу билан хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва барча йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаётини муҳофаза қилиш эътиборга олинди.

— Президентимиз Қарорида энг муҳим жиҳати жисмоний шахсларнинг юридик шахсларга бирлашиши ёки ўз фаолиятини тугатиши жараёнида уларга ҳеч қандай моддий ва маънавий зарар етказмаслик чоралари кўрилган, — дейди Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари Шоолим Шоваҳобов. — Айтайлик, бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор юридик шахс таркибига кирмоқчи бўлди. Бунинг учун унинг мавжуд лицензиялари ва лицензия варақалари ҳеч бир муаммосиз юридик шахс номига қайта рўйхатдан ўтказиб берилди. Шу ўринда "Хўш, унда тижорат асосидаги фаолиятини тўхтатмоқчи бўлганларнинг аввал лицензия учун тўлаган давлат божи нима бўлди?" деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Жавоб шуки, 2006 йилнинг 16 мартида Молия вазирлиги билан агентлигимиз қабул қилган қўшма қарорга кўра, тижорат асосидаги фаолиятини тўхтатмоқчи бўлганларнинг лицензия учун тўлаган давлат божи миқдорининг фойдаланилмаган қисми қайтариб берилди.

Албатта, транспорт соҳасида олиб борилаётган бундай оқилона сиёсат тезда ўз самарасини бера бошлади. Маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг март ойи бошларида республикамиз бўйича 10 минг автотранспорт воситасини ўзида жамлаган 314 та юридик шахс мақомидаги ташувчи қайд этилганди. Бугунги кунда уларнинг сони 1722 тадан ошиб, умумий автотранспорт воситалари сони 57 мингтага етди. Бу автомобилларнинг асосий қисми хусусий шахсларга тегишли бўлиб, юридик шахслар улардан ижара асосида фойдаланмоқдалар. Ижара шартномалари нотариал тартибда тасдиқланиб, республика ИИВ идораларида рўйхатдан ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида умумфойдаланишдаги автомобиль транспортида йўловчи ва юк ташиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13-14 фоиз ошди. Ҳозирги кунда республика бўйича барча турдаги транспортларда ташилаётган йўловчиларнинг 96,6 фоизи, юкларнинг эса 92 фоизи айнан автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келаётир.

Йўловчилар ташиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мамлакатимиздаги мавжуд йўналишларга қатновчиларни тендерлар орқали жойлаштириш жараёнини ҳам жонлантириб юборди. Қолаверса, йўловчи ташиш тармоқлари ҳам тобора кенгайиб бораётир. Хусусан, ўтган йили фуқаролар, ўқув муассасалари ва корхона-ташкилотлар мурожаатига биноан 50 дан ортиқ янги йўловчи ташиш йўналишлари очилгани буни яққол кўрсатиб турибди. Шунингдек, талабномаларга асосан, ўтган давр мобайнида 60 дан ошиқ йўналишлар узайтирилди ёки ўзгартирилди. Ҳозир мамлакатимизда автомобиль транспортида 2946 йўналиш бўйича йўловчилар ташилмоқда, шундан 2636 таси тендер танловлари асосида жойлаштирилган.

Қарор қабул қилинганига эндигина бир йилдан ошди. Албатта, бу муддат ичида муаммо ва камчиликлар учраб туриши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳудудий бўлимлари Давлат солиқ идоралари ҳамда ИИВ ЙҲХББ ходимлари билан биргаликда жорий йилнинг январь-апрель ойларида ўтказган 1090 та рейд давомида 4341 та қоидабузарлик ҳолатлари қайд қилинди. Шулардан 3381 таси жисмоний шахслар, 960 таси юридик шахслар иштирокида содир этилган. Уларда лицензиясиз фаолият кўрсатиш, лицензияси бўла туриб унинг битими шартларини бузиш каби ҳолатлар аниқланган. Табиийки, қоидабузарларга нисбатан тегишли равишда маъмурий жазо қўлланилган...

Хабарингиз бор, шу йилнинг 29-30 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Сенаторлар кўплаб масалалар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралда қабул қилинган "Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талаблари инобатга олинган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунни маъқуллашди. Мазкур қонун шу йил 6 апрелда расмий эълон қилинди. Шубҳасиз ушбу ҳужжат бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар янада мукаммаллик касб этишига ёрдам беради.

***Шавкат ОРТИҚОВ,***
***"Халқ сўзи" мухбири.***

---


# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

**танловига марҳамат!**

*Азиз ҳамкасблар! Ўтган йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллади.*

*Мамлакатимиз ижод аҳли халқимиз эришаётган ютуқларни, ўй-мақсадларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бордилар. Табиийки, бу ишлар газета ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда, янги-янги чиққан китоблар саҳифаларида ўз аксини топди.*

*ОАВда меҳнат қилаётган азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларга "Йилнинг энг фаол журналисти — 2006" танлови давом этаётганини маълум қиламиз. Танловга 2006 йилда эълон қилинган ижодий ишлар ҳавола этилади.*

*Ғолиблар анъанавий касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни — 2007 йил 27 июнь арафасида аниқланиб, рўйхати матбуотда эълон қилинади. Ғолиблар мукофотлар билан тақдирланадилар.*

*Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилади.*

*Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони ва манзили ҳақидаги маълумот ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши керак.*

***Материаллар қуйидаги манзилга юборилади: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар. Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87. Факс: 144-69-65***

E-mail: ijod@ sarkor.uz www.Journalist.uz


---

# ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бориладиган ишлар ўтган уруш билан боғлиқ кўпгина сирли ва мураккаб ҳақиқатларга, албатта, халқимизнинг кўзини очади. Бедарак кетганлар тақдирини ойдинлаштириш — иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини хотирлаш ва қадрлаш борасидаги энг хайрли ишлардан бири бўлиши шак-шубҳасиздир.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Хотира майдонида уруш фахрийлари тўғрисида ажойиб фикр ва қарашларни илгари сурдилар. Масалан, халқимизда «инсон ғанимат» деган ҳикматли ибора мавжуд. Бу ҳикматни ривожлантирган ҳолда, Юртбошимиз ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаётда ғанимат эканликларини яна бир бор алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, 90-100 ёшга кираётган уруш фахрийларининг сафи, тақдири бешафқатнинг иродасига кўра, йил сайин сийраклашмоқда. Пировардида, бу нуронийларимизга қўлимиздан келган ҳамма хизматларни қилиш, уларнинг бундан кейинги ҳаётлари ҳам беармон ва бегард бўлишини таъминлаш — ҳар биримизнинг кечиктириб бўлмас инсоний бурчимизга киради.

Ўз қарияларини эъзозлаш — миллатимизнинг азалий одатидир. «Қариси бор уйнинг — париси бор» деган мақол ва унда ўз мужассамини топган ҳикматли фалсафани фақат мана шундай халқ яратади. Ва унга аждоду авлодларимиз узлуксиз амал қилиб келади. Президентимиз бу ҳикматнинг мазмун-моҳияти устида тўхталар эканлар, кексаларимизни қадрлаш, ҳурматини ўрнига қўйиш — бурчимиз, улар ҳаётимиз файзи, кўрки, фариштаси эканлиги, кексалар эъзозланган хонадон, албатта, хосиятли бўлиши тўғрисидаги оқилона фикрларни изҳор этдилар. Ҳақ гап, ҳар биримиз астойдил мағзини чақиб, маъно-моҳиятини илғашга интилишимиз керак бўладиган фалсафа бу! Ҳа, унутмайлик: кексалар — хонадонларимиз фариштасидир. Нуронийларимизни эъзозлашнинг беадад хосиятларини ҳис этсак, шак-шубҳасиз, ҳаётимизда комиллик, яхшилик сари ўзгаришлар кўпаяверади.

Қарияларни ҳаётлигида қадрлаш, кўнглини шод этиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Аждодлар хотираси ва эъзози — инсоннинг кўнглини сўнмас чироқдай ёритиб туриши лозим.

Президентимизнинг ташаббуси ва халқимизнинг азму иродаси билан дунёга келган бу табаррук байрам нафақат бизда, балки келгуси авлодларимизда ҳам инсоннинг инсонлигини белгилайдиган теран асослар — тарихий хотира ва қадрлаш ҳис-туйғусининг тинимсиз такомиллашиб боришига хизмат қилади.

**М. МУҲАММАДҚУЛОВ.**

---

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

***Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

**Тадбир**

Мазкур тадбир "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарма томонидан ўтказилаётган Фуқаролик форуми лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Таклиф ва мулоҳазаларга бой бўлган тадбирда Ўзбекистон ва Германия тажрибаси мисолида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига, сиёсий тизимда партиялар ўрни ва ролининг аҳамиятига, уларнинг давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти муассасалари билан ўзаро муносабатлари ҳолатига эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, бу борада икки мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тарихий тажрибаларга асосланганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, уларнинг ҳар бирида конституциявий-ҳуқуқий институтлар, сиёсий демократия ва ҳуқуқий маданият тизими яхши шаклланган. Шунингдек, юртимизда сиёсий партияларнинг ролини оширишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда, уларнинг қонуний асослари яратилаётир. Ўзбекистон ва Германиянинг бу борадаги ўзаро тажриба алмашинуви эса келгусида фуқаролик жамиятининг турли институтлари шаклланиши ҳамда ривожланиши йўлида муҳим асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тадбирда Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари, олимлар, давлат тузилмалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, олий ўқув юртлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**




Сана

***Мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда хорижий тилларни пухта эгаллаган мутахассисларга эҳтиёж катта эди. Зеро, эндигина оёққа туриб келаётган ёш давлат учун жаҳон ҳамжамияти билан турли соҳаларда ҳамкорлик ўрнатишда бундай кадрлар сув билан ҳаводай зарурлиги ўз-ўзидан аёндир. Ана шундай бир пайтда Юртбошимиз жаҳон тиллари мукаммал ўқитиладиган, чет тилларини пухта ўзлаштирган етук кадрлар тайёрлай оладиган университет ташкил этиш тўғрисидаги (1992 йил 12 май) Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармонга асосан, Тошкент давлат чет тиллар, Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтлари негизида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига асос солинди.***

# БИЗ ДУНЁГА ЧИҚАМИЗ

Бугун университет ташкил этилганига 15 йил тўлди. Мавжуд 8 та факультетда 7,5 мингдан ортиқ талаба инглиз, немис, рус, испан, араб, француз, корейс, хитой, япон, жами 23 та хорижий тилни мукаммал ўзлаштирмоқда. Шунингдек, халқаро журналистлар ва моҳир таржимонлар ҳам етишиб чиқмоқда. Бундан ташқари, университет қошида Республика тил ўқитиш маркази, Учтепа хорижий тиллар академик лицейи, тайёрлов курслари, малака ошириш маркази фаолият юритмоқда. Қолаверса, тили ўрганилаётган давлатлар билан ҳамкорликда 20 та тил маркази ташкил этилган.

Талабалар учун яратилган шарт-шароитларга кишининг ҳаваси келади. Беш юлдузли меҳмонхоналардан қолишмайдиган, 720 ўринга мўлжалланган 3 та талабалар турар жойи ва муҳташам спорт зали, 2 та стадион ва 7 та ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида. 458 та компьютердан 118 таси интернетга уланган.

Ўтган йиллар мобайнида ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, таълим беришда катта тажриба мактаби яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил ишлаб турибди. Шу боисдан бўлса керак, олти нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти ва 15 нафари Алишер Навоий номидаги давлат стипендиялари совриндори бўлди.

Қувонч билан таъкидлаш керакки, бугунги кунда университет таълим соҳасида 25 дан ортиқ хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келаяпти. Айни пайтда 40 дан ортиқ хориждан таклиф этилган профессор-ўқитувчилар талабаларга хорижий тиллар, таржима асослари, бизнес ва менежмент ҳамда журналистиканинг турли йўналишлари бўйича сабоқ бермоқдалар.



Хориж тажрибасини ўрганиш барча соҳалар сингари таълим тизимида ҳам кўп жиҳатдан фойдалидир. Шу мақсадда 92 нафар профессор-ўқитувчи малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида бир қатор хорижий давлатларга юборилди. 67 нафар магистр ва талабалар Германия, Греция, Франция, Россия, Бельгия каби мамлакатлар таълим муассасаларида ўз билимларини мустаҳкамламоқда. Ўз навбатида, хорижий давлатлар талабалари ҳам бу университет дипломини қўлга киритишга иштиёқманд. Ҳозирда Жанубий Корея, Туркия, Хитой, Қозоғистондан келган 30 нафар талаба турли факультетларда таҳсил олишяпти.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ асос солинган университет бугун юртимизнинг буюк келажагини яратишга қодир мутахассисларни камолга етказмоқда. Жаҳон тилларини эгаллаган ёшлар ўзбекнинг номини дунё миқёсига олиб чиқмоқда.

— Мен халқаро журналистика факультетининг тўртинчи курсида ўқийман, — дейди фарғоналик Азиз Мираҳмедов. — Гўзал юртимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялайдиган бундай олий ўқув юртида ўқиш ҳар бир ёшнинг орзуси эканлигига ишончим комил. Шахсан ўзим давлатимиз раҳбарининг фан тараққиёти ҳамма вақт ёш авлодга таянади, деган сўзларига амал қилган ҳолда, миллат фани ривожига ҳисса қўшиш ниятидаман.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

***Дарвоқе, республикамиздаги мавжуд тиббиёт муассасаларида даволаниш учун пул тўлаш керакми? Ким бепул дори-дармон олиши мумкин? Очиғи, бу каби саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шу боис мухбиримизнинг республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ислоҳ қилиш, хусусийлаштириш ва пуллик хизмат бошқармаси бошлиғи Абдували АЪЗАМОВ билан қилган суҳбати ана шу ҳақда бўлди.***

# ТИББИЙ ХИЗМАТ

## унда ким қандай имтиёзга эга?

— Инсон манфаати, ижтимоий ҳимоя устувор этиб белгиланган мамлакатимизда кишилар саломатлигига ғамхўрлик қилиш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида, — дея гап бошлайди А. Аъзамов. — Бугун соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги масаласи давлатимизнинг стратегик мақсадига айланганлиги ҳам бежиз эмас. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўтган давр ичида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни ҳимоя этиш бўйича қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Табиийки, булар замирида, энг аввало, миллат қадрини улуғловчи, одамлар кўнглини кўтарувчи, иқтисодий, ижтимоий тараққиётга элтувчи эзгуликка йўғрилган мақсад мужассам. Шу боис ҳам мамлакатимизда давлат даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига нафақат кафолатланган, балки бепул тиббий ёрдам кўрсатилади. Шундай бўлса-да, баъзи беморлар кўп ҳолларда давлат томонидан қандай имтиёзга эга эканлигини билишмайди. Оқибатда масала моҳиятини чуқур англамаган айрим кишилар «медицина пуллик экан-да» деган хаёлга ҳам боришлари мумкин.

**— Шундай экан, мутахассис сифатида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат қандай ҳолларда кўрсатилиши ҳақида изоҳ берсангиз...**

— Бепул тиббий хизмат, аввало, шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ва бир қатор даволаш-профилактика муассасаларида кўрсатилади. Янада ҳижжалаб тушунтирадиган бўлсак, аҳолини юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш ва эмлаш, ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар соғлиғига хавф туғдирувчи касалликларга чалинган шахсларга, болалар ва ўсмирларни текширувдан ўтказиш ва даволаш, ҳомиладорларга тиббий хизмат кўрсатиш, шу билан бирга беморларнинг имтиёзли тоифаларига бепул тиббий хизмат кўрсатилади. Биласизми, аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатилиши белгилаб қўйилган даволаш-профилактика муассасалари орасида республика шошилинч тиббий ёрдам илмий Маркази, унинг Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги 12 та филиали, туман ва шаҳарлардаги 172 бўлими алоҳида ўрин тутади. Нега? Чунки, ушбу илмий Марказ қулайлиги ва шинамлигига кўра, халқаро андозаларга тўла мос. Бу ерда дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ишлаб чиқарилган, юқори технологияга асосланган тиббиёт ускуналари ўрнатилган. Шифокор ва ҳамшираларнинг аксарияти АҚШ, Япония ва Европа мамлакатларида малака оширган. Ҳар бир беморнинг аҳволи марказлаштирилган тизим орқали кузатиб турилади.

Ёки бугун аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатаётган юртимиздаги 3100 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Илгари оддий бир касаллик учун ҳам туман марказига боришга тўғри келарди. Энди эса ҚВПлардаги фаолият унчамунча тиббий муассасаларда олиб борилаётган хизматдан қолишмайди. Умуман, ҳар йили 6 миллиондан зиёд фуқароларимизга давлатимиз томонидан ҳам кафолатланган, ҳам бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Аслини олганда, ҳукуматимиз саъй-ҳаракати билан амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар миллатни соғломлаштириш ғоясининг асосини ташкил қилади.

Тўғри, бугун мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида қайд этилган айрим даволаш-профилактика шифохоналари, масалан, республикамиздаги мавжуд тўртта ихтисослаштирилган — хирургия, кардиология, урология ва кўз микрохирургияси марказларининг босқичма-босқич ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтиши белгиланган. Негаки, бу усул шифокорни ҳам, медицина муассасасини ҳам моддий жиҳатдан бақувват қилади. Бироқ, шундай бўлса-да, аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи бундай шифохоналар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхатга мувофиқ, имтиёзга эга беморларга 20 фоизга қадар бепул хизмат кўрсатади. Бу хизмат, табиийки, давлат томонидан молиялаштирилади.

**— Аччиқ бўлса-да айтиш керак, шифохоналаримиз бепул бўлса ҳам беморлар дори-дармонни ўз пулларига сотиб олишаяпти, деган гаплар баъзида қулоққа чалинади. Айтинг-чи, ҳозир қандай ҳолларда беморлар бепул дори-дармон олиш ҳуқуқига эга? Умуман, бундай имтиёзлар сақланиб қолинганми?**

— Албатта. Аввало, шуни айтиш керакки, аҳолини давлат томонидан бепул тиббий-санитария ёрдами кўрсатиши белгилаб қўйилган шифохоналарнинг барчасида беморларни даволаш учун ажратилган давлат бюджети маблағлари доирасида бепул дори-дармон берилади. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан ўн уч ҳолатда, булар онкологик, сил, эндокринологик, руҳий ва ОИТС, мохов касалликларига чалинган, юрак клапанларини протезлаш ва органларини алмаштириш бўйича операциялардан кейин беморлар, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар, 1941-1945 йиллар уруши қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, байналминалчи жангчилар, Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногиронлар ҳамда ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро иншоотларда ҳарбий хизматни ўтаган нафақа ёшидаги шахслар бепул ва имтиёзли рецептлар бўйича мамлакатимиздаги мавжуд исталган 5 мингга яқин дорихоналардан белгиланган тартибда 4 минг 900 номга яқин дори-дармоннинг ўзига кераклисини бепул олиш ҳуқуқига эга.

Демак, бепул дори-дармон олиш учун юқорида номлари зикр этилган фуқаролар тегишли амбулатория-поликлиника муассасаларидаги даволовчи шифокорлар томонидан махсус рецептларни олсалар бас.

Эътибор беринг, ўтган йили ана шундай имтиёзга эга бўлган 416576 минг нафар беморга 2 миллиард 434 минг сўмлик дори-дармонлар берилди. Ўтаётган йилнинг биринчи чораги давомида эса 143744 нафар беморга 705 миллион 506 минг сўм ҳажмида текин дори-дармон тарқатилди. Бундан ташқари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларга чалинган беморларга ҳар йили 5 миллиард сўмликдан иборат дори-дармон бепул берилмоқда. Кўриб турганингиздек, бу ҳазилакам маблағ эмас.

Мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, миллатимиз саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, янги ҳаракатлар, табиийки, киши кўнглига ёруғлик бағишлайди. Бундай юксалишлар, инсон манфаати ва ижтимоий ҳимояга асосланган ўзгариш-у саъй-ҳаракатлар ҳукуматимизнинг соҳага бўлган юксак эътибори туфайлидир, албатта.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фурқат САНАЕВ**
**суҳбатлашди.**

---



**12 май — Халқаро ҳамширалар куни**

# ОҚ ХАЛАТЛИ ХАЛОСКОР

*У ёшлигидан шифокор бўлишни орзу қиларди. Хаёлан оппоқ кийим-бошда, бўйнига фонендоскопни илиб олган ҳолда беморлар билан мулоқот қиларди. Балки бунга отасининг ўз даврида катта уролог-шифокор бўлгани, вақти-бевақт уйга ҳам ёрдам сўраб келгувчилар дардини аритгани сабаб бўлгандир. Бироқ хаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Ўрта мактабни битирган Лолахоннинг олий ўқув юртига киришга негадир юраги дов бермади, чўчиди. Бўлмаса-ку, тиббиётни жуда яхши кўрарди.*

У олий ўқув юртига кирмади. Шунда раҳматли отаси:

— Одамларни даволаш учун фақат дўхтир бўлиш шарт эмас, қизим. Сендан яхшигина ҳамшира чиқади,— деб қолди. Бир оғиз далда билан Лолахон 1989 йили П.Боровский номидаги Республика тиббиёт билим юртининг умумий ҳамширалик бўлимига ўқишга кирди. Уч йил мобайнида мазкур соҳанинг сиру синоатларини ўрганишга интилди. Амалиётни «Ўзбексельмаш» заводининг тиббиёт-санитария қисмида ўтай бошлаган Лолахоннинг билими, тиришқоқлиги, чаққонлигини сезган катта ҳамшира Дилфуза опа уни дастлабки кунданоқ энг мураккаб – жонлантириш бўлимига ишга қўйди. Иш жараёнида ёш мутахассисга вазифасининг нечоғли нозик ва айни пайтда масъулиятли эканини эринмай ўргатиб, уқтириб борди. Ҳақиқатан, шу қизга меҳри тушдими ёки унинг уқувли, зеҳнли экани маъқул бўлдими, шу ерга келиб ишлашни таклиф этди. Лолахон билим юртини битирганида кўпчилик сингари иш қидириб ҳам юрмади. Амалиёт ўтаган ерида ишда қолди.

Кўп ўтмай ҳаёт тақозоси билан у хизматини Янгийўл шаҳар Гулбаҳор қўрғонидаги болалар шифохонасида давом эттира бошлади. Бевосита болалар орасида ишлаб, уларнинг парвариши, муолажаси алоҳида эътибор талаб қилишини ҳис этди, чақалоқларнинг дардига малҳам бўлишни педиатр-шифокор Гулнора Дадабоевадан ўрганди. Болалар ҳамшираси бўлиш ҳам унга катта ҳаётий сабоқ берди. Эндиликда «Ўзбекэнерго» ДАК «Ўзэлектртармоқ» шўъба корхонасининг тиббиёт-санитария қисми асаб хасталиклари бўлимида навбатчи ҳамшира сифатида фаолият кўрсатаётган Лолахон жамоадошлари орасида алоҳида ҳурматэътиборга лойиқ. Буюрилган муолажаларни тез, тартибли, муҳими, алоҳида меҳр билан бажаради. Шунинг учун бўлса керак, беморлари уни «қўли енгил ҳамшира» дея алқашади...

– Иш жараёнида шуни англадимки, – дейди Лолахон Зиёева, – устозларим ўргатишганидек, ҳамширалик бу шунчаки ҳароратни ўлчаш ёки беморнинг дорисини вақтида бериш билан белгиланмайди. Унинг ўзига хос мураккабликлари, масъулияти бор. Чунки шифокор беморни текшириб кўриб, муолажа ёзиб беради. Ҳамшира эса ўша беморнинг соғайиши учун доимий ҳамроҳ бўлади. Бемор ўз касали билан жисман курашса, ҳамшира нафақат амалий ёрдами, балки ҳар он, ҳар дақиқада руҳий мадади билан унга эш бўла олиши керак...

*Биз бу кун республикамизнинг тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган 260 мингга яқин ўрта тиббиёт ходимлари ва 645 нафар олий маълумотли ҳамширалардан бири ҳақида сўз юритдик, холос. Зеро, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида кейинги пайтда ҳамширалар фаолиятига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати маълумотларига қараганда, республикада фаолият кўрсатаётган ҳамширалар Исроил, JICA агентлиги таклифига кўра Япония ва бошқа чет давлатларда ўтказилаётган халқаро йиғинларда иштирок этмоқдалар, тажриба алмашмоқдалар. 1-Республика тиббиёт коллежи ва Республика шошилинч тиббий илмий ёрдам Маркази биргаликда ҳамшираларни тайёрлашда янги технологияларни жорий этиш, парвариш усулларини қўллаш учун «Ҳамширалар таълимини такомиллаштириш» ҳамкорлик лойиҳаси ташкил этгани ҳам аҳамиятли ҳол. Шунга кўра, эндиликда ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда республика ҳамширалар кўрик танловларини мунтазам ўтказиб туриш одатга айланди. Бундан асосий мақсад соғлиқни сақлаш соҳасида меҳнат қилаётган ёш ҳамшираларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, билимларини мустаҳкамлаш, миллий тиббиёт сирлари ва шарқ табобатини мукаммал ўрганишлари учун шароит яратишдан иборатдир. Шу боис ҳам бу йил ўтказиладиган ҳамшираларнинг касб байрами «Яхши ва қулай иш муҳити: Иш сифати шароити — беморларнинг парвариш сифати гарови» шиори остида нишонланмоқда. Зеро, дуо билан эл кўкарар, деганларидек, беморлар дуоси ҳамшираларнинг беғараз фаолияти баҳоси, десак янглишмаган бўламиз.*

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Вето қўллаши мумкин

**АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқдаги Америка ҳарбийларини молиялаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳасига нисбатан ҳам вето қўллаши мумкин.**

Ушбу лойиҳа конгресснинг Вакиллар палатасидаги демократлар етакчилари томонидан тайёрланган. Қонун лойиҳасида Ироқдаги ҳарбий амалиётлар жорий йилнинг июль ойи охирига қадар молиялаштирилиши назарда тутилган. Шу муддат тугагандан сўнг Ироқдаги зўравонликларни бартараф этиш йўлида кўрилган чора-тадбирлар парламентни қониқтирмаса, конгресс маблағ ажратишни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Айни шу масалада тортишувлар бўлиб турган бир пайтда мамлакат вице-президенти Дик Чейни кутилмаганда Ироққа жўнаб кетди. У бу ерда АҚШ ҳарбий кучлари қўмондони Дэвид Петреус ҳамда Ироқ бош вазири Нури Маликий билан учрашиб, музокаралар ўтказди.

## Яна тўрт киши ушланди

**Британия полицияси 2005 йил 7 июлда Лондон шаҳрида амалга оширилган терактларга алоқадорликда гумон қилиб, яна тўрт кишини ҳибсга олди.**



Гумондорлардан уч нафари Уэст-Йоркшир шаҳрида ва яна бир нафари эса Бирмингемда қўлга олинди. Манбада келтирилишича, полиция мамлакат разведка хизмати берган маълумотга таяниб, уларни ушлаган. Ҳозирда Бирмингем ва Уэст-Йоркшир шаҳарларидаги бир неча уйлар тинтув қилинаяпти.

Эслатиб ўтамиз, 2005 йил 7 июлда Лондондаги жамоатчилик транспортларида амалга оширилган терактлар оқибатида 56 киши ҳаётдан кўз юмган ҳамда 700 киши жароҳатланган эди.

## Ҳамжамиятни чалғитмоқда

Бундан олдинроқ «Халқаро амнистия» ташкилоти Россия ва Хитойни Суданнинг Дарфур музофотига қурол-яроғ етказиб бераётганликда айблаб чиқди. Россия Ташқи ишлар вазири расмий вакили Михаил Каминин «Халқаро амнистия» ташкилотининг барча айбларини рад этди. «Россия Судан билан ҳарбий техника соҳасида халқаро нормалар ва икки томонлама келишувга асосан ҳамкорлик қилиб келаяпти. Россия тарафи БМТнинг Дарфурга қурол-яроқ етказиб беришни тақиқловчи барча талабларини эътирозсиз ва тўлиқ бажармоқда», дея баёнот берди Михаил Каминин. Бундан ташқари, расмий вакил «Халқаро амнистия»ни дунё жамоатчилигини чалғитишда айблади.

Хитой ҳам ўзига нисбатан йўлланган барча айбловларни рад этди. Қайд этиш керакки, сўнгги тўрт йил давомида Дарфурдаги турли этник ва диний зиддиятлар 200 минг нафардан ортиқ аҳолининг ўлимига сабаб бўлди.



## Шаҳзода жиноятга алоқадор

Франция суди 53 ёшли Саудия Арабистони шаҳзодаси Найефа бен Султон Фаваз аш-Шааланни сиртдан 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилди. У гиёҳванд моддаларни ташишда, сақлашда ва тарқатишда айбдор деб топилди. Шаҳзода ўзига қўйилган барча айбловларни рад этди. Суд жараёнида иштирок этган унинг вакили апелляция судига мурожаат қилишини билдирди.

Айблов варақасида таъкидланишича, шаҳзода Колумбиядан Франция ва Европага катта миқдорда кокаин моддаси етказиб беришни ташкиллаштирган.

## Афғонистонликлар норози

**Афғонистонликлар мамлакатдаги НАТО кучларини тинч аҳолининг ўлимида айблашмоқда. Афғонистон жанубига ҳаводан берилган зарбалар оқибатида 21 нафар тинч аҳоли курбон бўлди. Ушбу хабарни маҳаллий ҳукумат ҳам тасдиқлади. Бироқ НАТО кучлари вакиллари ҳозирча бу маълумотга нисбатан муносабат билдиргани йўқ.**

## Синов муваффақиятли якунланди



**Ҳиндистонда ўрта радиусли «Притхви-1» ракетаси синови муваффақиятли якунланди.**

Манбада келтирилишича, ракета 250 километр масофагача етиб бора олади. Чандипур полигонидан ҳавога кўтарилган «Притхви-1» белгиланган масофани 7 минутда босиб ўтган.

Қайд этиш керакки, бундан бир ой олдин мамлакатда 4 минг километр узоқликдаги нишонни йўқ қилишга қодир «Агни-3» ракетаси синови ҳам қониқарли якунланганди.

## Биоэнергия зарарли...ми?

**БМТ экспертлари томонидан тайёрланган ҳисоботда айтилишича, биоёнилғи ишлаб чиқаришга ва уни ишлатишга пала-партиш ва ўйламай ўтиш атроф-муҳитга ва ривожланаётган давлатлар аҳолиси соғлиғига жиддий зарар келтириши мумкин. «Биоэнергия саноати миллионлаб аҳолини энергия билан таъминлаш баробарида, табиатга ҳам зарар етмаслиги зарур. Агар бу жараёнда катта-катта ўрмонлар йўқ бўлиб кетса, экотизимга жиддий салбий таъсир қилиш мумкин», дейилади ҳисоботда.**

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

